

---

## ТУМАН ҲОКИМИ ФУТБОЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАШАББУСИ БИЛАН ЧИҚДИ

Вилоят ҳокими ташаббуси билан оммавий футболни ривожлантириш учун кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Риштон туманида ҳам “миллионлар ўйини”ни ривожлантириш учун ҳаракатлар бошланди. Туман ҳокими кеча ва бугун “Марказий” ўйингоҳга ташриф буюриб, соҳа мутахассислари билан учрашди. Учрашув давомида туманимизда футболни янги босқичга олиб чиқиш лозимлиги таъкидланди. Ташриф чоғида “Марказий” стадионнинг майдони бироз таъмирга муҳтож бўлиб қолгани маълум бўлди. Туман ҳокими ушбу масалани қисқа фурсат ичида бартараф этиш учун масъулларга топшириқ берди. Шунингдек, учрашув мобайнида туманимизда вилоят биринчилигида иштирок этадиган жамоа ташкил этиш кераклигини ҳам таъкидлади. - Риштон футболни ўз тарихига эга десам, муболаға бўлмайди. Туманимизда футбол мухлислари кўпчиликти ташкил этиши ҳеч кимга сир эмас. Биз Риштон футболни ривожлантириш учун ҳаракат қилишимиз керак. Туманимизда истеъдодли футболчилар кўп ва уларни қўллаб-қувватлашимиз, келажакда Жаҳон юлдузи даражасига кўтарилиши учун бор имкониятимизни ишга солишимиз даркор, дейди туман ҳокими.

2022-01-29 17:57:20